

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 334.75 (575.1)

СИДИКОВ ЖАХОНГИР КАМИЛЖАНОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ДАВРДА ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛИШИ**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Расулов Т.С.

Тошкент – 2015

Магистрлик диссертация ишида Хусусий мулк таркибий тузилишининг назарий асослари ва меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари натижалари ҳамда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилган.

The theoretical basis of private property in the master's thesis structure and regulatory aspects, the process of denationalization and privatization of state property and the results of the analysis of the current status of the forms of ownership structure in the modernization and diversification of the economy in Uzbekistan has been considered structural improvement and development of private property.

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ -сонли баённома « ____ » _____ 2015 йил

Илмий раҳбар: _____
(ф.и.ш.) (имзо) (сана)

Магистр: _____
(ф.и.ш.) (имзо) (сана)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. ХУСУСИЙ МУЛК ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	11
1.1-§. Мулкчиликнинг турли шакллари ва хусусий мулкнинг таркибий тузилишига оид бўлган турли хил ёндошувлар таҳлили ҳамда уларнинг мазмуни.....	11
1.2-§. Бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва унинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари.....	20
1.3-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, йўллари ва усуллари.....	26
I боб бўйича хулоса.....	33
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	35
2.1-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ҳамда уларнинг натижалари.....	35
2.2-§. Ўзбекистонда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	44
2.3-§. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш натижалари ҳамда унинг хусусий мулкни ривожлантиришдаги аҳамияти.....	56
II боб бўйича хулоса.....	64
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ МУЛК ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	65

3.1-§. Хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида.....	65
3.2-§. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда жадал ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....	70
3.3-§. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	79
III боб бўйича хулоса.....	85
ХУЛОСА.....	87
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91
ИЛОВАЛАР.....	97

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда. Ёлланма меҳнатга асосланган ҳолда даромад топиш мақсадида фойдаланиладиган мулк хусусий мулк деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда) хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади. Хусусий мулк ҳам бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У сўзсиз, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, меҳнатга масъулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у хуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш иқтисодиётда уни қўллаш фойдали бўлган бўғинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулк объектлари доираси ҳам табиий равишда кенгайиб боради. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулкни вужудга келтирмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш тўғрисида фикр юритиб бўлмайди, чунки хусусий мулкнинг бошқа

мулк шаклларига қараганда устун бўлиши бозор иқтисодиётининг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз маърузасида “Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ”¹ деб таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва уларнинг ҳимояси учун кўп ишлар амалга оширилди. Мулкдорларга зарур шароит ва кафолатлар бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар ҳозирги даврда мулкни хусусийлаштириш жараёни ва хусусий мулкнинг таркибий тузилиши нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилишини тадқиқ этишга қаратилган магистрлик диссертация ишининг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, ҳозирги даврда хусусий мулк ва унинг таркибий тузилиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк таркибий тузилишини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари.

Хусусий мулк таркибий тузилишининг назарий асослари ва меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари очиб бериш, Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари натижалари ҳамда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиб, хусусий мулк таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари илмий ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- мулкчиликнинг турли шакллари ва хусусий мулкнинг таркибий тузилишига оид бўлган турли хил ёндошувлар ва назарий қарашларни илмий тадқиқ қилиш;
- бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва унинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини асослаш;
- Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, йўллари ва усуллари илмий тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил этиш;
- мулкчилик шакллари таркибида хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш омилларини аниқлаш;
- хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда жадал ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш

ва янада ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Магистрлик диссертация ишида эришилган ва ҳимояга олиб чиқиладиган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

– мулкчиликнинг турли шакллари ва хусусий мулкнинг таркибий тузилишига оид бўлган турли хил ёндошувлар ёндошувлар ва назарий қарашларни илмий тадқиқ этилиб, муайян тизимга солинган ва шарҳлаб берилган;

– бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва унинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини асослаб берилган;

– Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, йўллари ва усуллари илмий тадқиқ этилган;

– Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ҳамда уларнинг натижалари таҳлил этилган;

– Ўзбекистонда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган;

– мулкчилик шакллари таркибида хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш омилларини аниқлаштирилган;

– хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда жадал ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва янада ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Хусусий мулк таркибий тузилишининг назарий асослари ва меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилади. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари натижалари ҳамда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилади, Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича илмий тавсия ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Магистрлик диссертация ишининг бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг асарлари билан бир қаторда республикаимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилиши юзасидан кўплаб илмий-назарий ва услубий ишланмалар бир қатор хорижий классик мактаб намоёндалари ва вакиллари, жумладан, В.Петти, А.Смит, Ж.Кейнс, Р.Монделл, Р.Маккиннон, М.Флеминг, Х.Ф.Мински, Ф.Мишкин, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, Эдвин Дж.Долан ва Питер С.Роуз каби иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилиши масалаларининг айрим жиҳатлари бир қатор МДҲ иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Хусусан, И. Б. Новицкий², К. А. Улыбкин³, Е. А. Суханов⁴, А. С. Пашков⁵ ва бошқалар.

² Римское частное право. –М.: 1949. -16-17 с.

³ Социалистическая собственность без иллюзий и догм. –М.: Высшая школа. 1990. -60 с.

Республикамизда ушбу масала назарий жиҳатдан олимлар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилиши масалаларига оид илмий-назарий жиҳатлари Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, А.Расулев, Р.Убайдуллаева, Қ.Абдурахмонов, С.Ғуломов, А.Ўлмасов, Х.Раҳмонқулов, Б.Ишонов, Б.Умурзаков, М.Ҳакимова, У.Ғафуров каби иқтисодчи олимлар томонидан асослаб берилган.

Магистрлик диссертация ишида хорижий ва мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларининг илмий-услубий ишларини ўрганиш натижасида республикамизда ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилиши бўйича бир қатор услубий тавсиялар, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга туртки бўлувчи воситаларни яхшилашга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси давлат рақобат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, ҳокимликлар томонидан ушбу масалага боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, 9 та банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 100 бетдан иборат бўлиб, ўз ичига 15 та жадвал ва 10 та расмни ҳамда иловаларни олади.

⁴ Лекции о праве собственности. –М.: Юридлит. 1991. -134 с.

⁵ Собственность и труд: правовые аспекты взаимодействия.//Государство и право. 1991. №11. 19-28 с

I БОБ. ХУСУСИЙ МУЛК ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1-§. Мулкчиликнинг турли шакллари ва хусусий мулкнинг таркибий тузилишига оид бўлган турли хил ёндошувлар таҳлили ҳамда уларнинг мазмуни

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида мулкчилик муносабатлари ўз ичига давлат мулкани, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулканинг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкани, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкани, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шакллари ва хусусий мулкларни олади. Шу сабабли «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида»ги қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк (1.1-расм).



1.1-расм. Мулкчилик шаклларининг таснифланиши

Мулкчилик турли шакллариининг мавжуд бўлиши ва уларнинг иқтисодий мезони, аввало, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолати, ижтимоий меҳнат тақсимооти ва ташкилий-иқтисодий муносабатларининг етуқлик даражаси билан мос келиши зарур.

Давлат мулки – эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлган мулк объектларидан иборат. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

1) хусусий мол-мулкнинг миллийлаштирилиб, давлат ихтиёрига ўтказилиши;

2) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар куриш, давлатга қаршли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш.

Давлат мулки ҳақиқатда ҳам халққа қаршли бўлган, бўлинмайдиган ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий тузилманинг каттагина қисмини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексига мувофиқ давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қаршли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари ва бошқа мулкӣ мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки бўлади.

Жамоа мулки – муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкани корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа мулкининг муҳим хусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгалик қилади. Жамоа мулкига кооперативларнинг, ижара ва жамоа корхоналарининг, акциядорлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки киради.

Шахсий мулк – бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати асосида қўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва қўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан олинadиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбаларга асосланади. Шахсий мулк объектлари – бу турар жойлар, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, яқка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги кичик корхоналар фуқаро ва унинг оила аъзоларининг мулки бўлиши мумкин. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжларини қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилиши мумкин.

Хусусий мулк – айрим соҳибкорларга қарашли бўлиб, ёлланма меҳнатга асосланган ҳолда фойдаланиладиган мулкдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда) хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади. Хусусий мулк ҳам бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У сўзсиз, ташаббускорлик ва тadbиркорликни, меҳнатга масъулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у хуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш иқтисодиётда уни қўллаш фойдали бўлган бўғинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо қилади. Лекин хусусий мулкчиликни бундай тан олиш уни мутлақлаштириш билан умуман боғлиқ эмас. Бу мулк сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари асосида мустақил хўжалик юритиш ёки давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш орқали вужудга келиши мумкин.

Турли шаклдаги мулкларнинг бирикиб кетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Хусусий мулкнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти, унинг мазмуни ва таркибий тузилиши бўйича иқтисодиёт тарихида турли ёндошувлар мавжуд.

Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғояларда мамлакатдаги аристократия ва халқ ўртасида вужудга келган қулдорлик ва хусусий мулк ҳимоя қилинади. Конфуций «*буюк жамоа мулки*» (деҳқонлар жамоаси) ва хусусий эгалик (қулдорлар мулки)ни фарқлайди, сўнггисини кўпроқ қўллайди. Жамиятнинг турли қатламлари худо томонидан белгиланганлигини таъкидлайди ва уни табиий ҳол, дейди.

Қадимги Юнонистонда Платон (*Афлотун*) «Давлат» ва «Қонунлар» асарларида идеал давлат қандай бўлиши кераклигини очиб бермоқчи бўлди. Унингча бу даврда хусусий мулк ва эркин хўжалик ташаббусига ўрин йўқ. У аҳолини уч тоифага ажратган: *файласуфлар* - давлатни бошқарувчилар; *ҳарбийлар* - давлатни бошқариш аппаратининг бир қисми бўлиб, улар бирор мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга эмас, истеъмол қилиш эса ижтимоий характерга эга бўлиши керак; «*Қора*» *тоифа* - деҳқон, ҳунарманд ва савдогарлардан бўлиб, улар мулк эгаси бўлиши керак.

Афлотун қулларни фуқаролар деб тан олмади ва уларни бирор тоифага киритмаган, яъни улар мулк эгаси ҳам бўлиши мумкин эмас деб ҳисобланган.

Аристотель «*Қул - тирик қурол, қандайдир тирик мулк*» деган эди. Унинг фикрича, жамиятнинг қулдор ва қулларга бўлиниши - бу табиий ва қонуний аҳвол бўлиб, одамларнинг табиатан турли-туманлигидандир.

Бу олимнинг иқтисодиёт (экономика) ни хрематистикага қарама-қарши қўйиши характерлидир. У ўйлаб топган «*хрематистика*» матни «*хрема*» сўзидан олинган бўлиб, мулк, эгалик мазмунига эга. Хрематистика «*мулк орттириш санъати*», яъни айниқса пул шаклида фойда орттириш, бойлик (пул) тўплашга йўналтирилган фаолиятдир. Бошқача айтганда, хрематистика - бу капитал қўйиш, судхўрлик ва жамғариш «*санъати*»дир.

Ислом ақидасида исрофгарчиликка қарши кураш Қуръони каримдаги «*Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар*» деган оятлар асосида олиб борилади (бу ҳозирги даврда энг актуал масалага айланган). «*Дарё бўйида таҳорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар*» каби қоидалар айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятли.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло мулкнинг муқаддаслигини, бировнинг мулкига хиёнат ва ҳатто ҳасад қилишни катта гуноҳ деган. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик

ва тўғриликка буюрилади ва ёлғон ишлатиш, ўғрилик ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади. Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш (4-сура, 8-оят), етим-есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш (3-сура, 128-оят) ҳақидаги ояти карималаридан келиб чиқадиган ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдори ҳам катта аҳамият касб этади. Етимлар ҳақида хиёнат қилиш энг катта гуноҳлардан деб эълон қилинган. Шунингдек, ўзаро ёрдам ҳам (5-сура, 3-оят) зарур, лекин ёмон ишларда ва душманликда эмас дейилади. Ояти карима ва ҳадиси шарифларда турли касбларни эгаллаш, айниқса деҳқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинган.

XII асрнинг ўрталарида болониялик монах-роҳиб **Гроциан** «**Каноник ҳуқуқлар тўплами**»ни тузди, унда бир қанча иқтисодий ғоялар ҳам берилган. Улар умумий мулкчиликни идеал деб баҳолаб (эътибор беринг, хусусий мулк эмас), хусусий мулкчилик худо томонидан одамларнинг гуноҳлари учун вужудга келтирилган, деган ғояни илгари сурдилар. Бойлар хайр-садака беришга чақирилади. Худога маъкул бўлган фаолиятларга фақат деҳқончилик ва ҳунармандчилик киритилиб, судхўрлик, айниқса, фойда олиш учун савдо қораланади (Ислом динидаги ғоя билан солиштиринг).

Италиялик роҳиб **Фома Аквинский** (1225-1274) таълимотида иқтисодий ғоялар маълум тартибга солинган. У ўзининг асарларида куллик ва крепостнойликни оқлайди, бунда у Аристотель ва муқаддас китобларга асосланади. У худони барча бойликлар эгаси деб эълон қилади, лекин хусусий мулкчилик ҳам ҳимоя қилинади, чунки бунда инсоннинг ўз тоифаси, табақасига мос равишда яшашига имконият яратилади.

Т. Мор «**Утопия**» (лот. йўқ жой) (1516) асарида Англияда дастлабки капиталнинг жамғарилиши жараёнида деҳқонларнинг оммавий қашшоқланиши жараёнини акс эттирган. У қаердаки хусусий мулк ҳукмрон бўлса, асосий бойлик бир қучоқ одамлар қўлига тўпланади, деган

хулосага келди. Яна социал офатнинг асоси пулдир, деган эди у. Хаёлий «утопия» мамлакатада ижтимоий мулкчилик (хусусий мулк бўлмаган), умумий меҳнат бўлган, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут йўқ эди, ишлаб чиқариш тартибга солинган, иш куни олти соат билан чекланган, пул йўқ қилинган, тақсимот текис ва босқинчилик урушлари йўқ эди. Т.Мор шундай жамиятни қуриш мумкин деб ўйлаган.

Т.Кампанелла Неаполь (Италия) У ўзининг «**Офтоб шаҳри**» (1602 й. ёзилган, 1623 йилда чоп этилган) китобида золимларнинг шоҳона ҳаётини танқид қилади, у ҳам Т.Мор каби, бу тенгсизликнинг асосий сабаби хусусий мулкчилик, дейди. У келажак жамият тўғрисидаги ўз тасаввурини ҳам беради, улар Т.Морга ўхшаш: ижтимоий мулкчилик мавжуд, ҳамманинг меҳнат қилиши зарур, машина меҳнати туфайли иш кунлари чекланган (4 соат), ақлий меҳнат жисмоний меҳнат билан алмаштириб турилади, бунда ҳунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан нисбатан текис шуғулланиш шарт қилиб қўйилади, текис, пулсиз тақсимот амалга оширилади. Унинг «Офтоб шаҳри» асари денгизчининг ҳикояси шаклида берилган. Янги жамиятда олим қўҳинлар табақаси томонидан бошқарилувчи идеал жамоа бўлади, хусусий мулк ва оила бўлмайди, болалар давлат томонидан тарбияланади, фан ва маориф тараққий этади (Галилейни ҳимоя қилган).

В.Петти тадбиркорлар мулкни, яъни хусусий мулкни «муқаддас» ва «дахлсиз» деб билди ва уни турлича йўллар билан ҳимоя қилди.

Ф.Кенэ «*табиий тартиб*» концепциясини илгари сурди, бу олимнинг услубий платформаси эди («табиий ҳуқуқ» концепциясини эсланг), бунда у пайдо бўлаётган ва тобора мустаҳкамланаётган дахлсиз хусусий мулкни тушунди, иқтисодиёт эркин рақобат асосида ривожланишини, бозор баҳосининг стихияли ўзгариши, яъни давлатнинг аралашувини инкор этадиган жараённи қўллаб-қувватлади, бойликнинг адолатли тақсимланишини истар эди. Иқтисодий ривожланиш одамларнинг истак-ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган табиий жараён бўлиб, унинг маълум

конуниятларга бўйсунганини тан олиш физиократларнинг сўзсиз ютуғи эди. Бу конунлар уларнинг фикрича тарихий бўлмай, абадий конунлар деб қаралган эди. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг капиталистик (бозор) шакли табиий ва абадий ишлаб чиқариш шакли деб ҳисобланган (ҳозирги ривожланиш бунга кўп жиҳатдан исботламоқда).

А.Смит асарларида хусусий мулкнинг абадийлиги ва дахлсизлиги кўллаб-қувватланади. У иқтисодиёт фанини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, ҳозирги давр тили билан айтганда бозор иқтисодиёти ва унинг амал қилиш тамойилларини тўғри кўрсатиб берди. Улар ичида мулк шаклларининг турли-туманлиги ва уларнинг қонун олдида барабарлиги (яъни давлат, жамоа, хусусий ва бошқа мулкларнинг ҳаётийлиги), хусусий мулк афзаллигини кўрсатиб ўтилади.

Социалистик ривожланиш ғояларининг муаллифлари классик иқтисодий мактабнинг бир қанча муҳим тамойилларини инкор этиб (масалан хусусий мулкни бекор қилиш, давлат-умумхалқ мулкнинг ҳиссасини ошириш, қатъий режалаштириш, қатъий баҳолар ўрнатиш, иқтисодиётда эркинликни бўғиш, давлат томонидан маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қўлланилиши ва бошқалар), катта хатога йўл қўйганликлари тарихда исботланди.

Хаёлий – социалистлар (Сен-Симон, Ш.Фурье, Р.Оуэн) классик иқтисодий мактаб вакиллари билан фарқ қилиб, хусусий мулкчиликни ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини танқид қиладилар, жамиятнинг барча аъзоларига бахт келтирадиган янги жамият юзага келади, деб ишчиларни ишонтирадилар. Улар янги жамият адолатли ижтимоий тузум лойиҳаларини баён этиб истеъмол ва тақсимотни қайта ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан балки ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартиришни таклиф қилдилар.

Сен-Симон социализмда хусусий мулкчилик бўлишини инкор этмайди, балки айнан хусусий мулкчилик ва ундан фойдаланишни тартибга соладиган қонун зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Англия хаёлий социализмининг асосчиларидан **Роберт Оуэн** капиталистик жамиятни танқид қилиб, унинг халққа қарши моҳиятини очиб беради. Барча мулкни умумхалқ мулкига айлантирадиган, қашшоқлик йўқолдиган, меҳнат жафо-зулматдан бахт-саодатга айланадиган коммунистик жамоалар тузиш фикрига келди. Шу мақсадга ҳалақит берадиган учта тўсиқ бор дейди у. Бу учта иллат: хусусий мулк, дин ва буржуача никоҳдир. Бироқ олим капиталистик тараққиётнинг объектив қонунини тушунмади, синфлар курашини инкор этди.

А.Смит хусусий мулкни ҳимоя қилса, марксчилар умумхалқ (давлат) мулкни афзал деб ҳисоблайдилар.

Неолибералистлар иқтисодиётни либераллаштиришни, эркин баҳо шаклланиш принципларидан фойдаланишни, иқтисодиётда хусусий мулк ва нодавлат тузилмаларининг етакчи бўлишини қўллайдилар.

Бу назария ва қарашлардан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчи мутафаккирлар хусусий мулкнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини, унинг устуворлигини тан олиб қўллаб-қувватласалар, айрим мутафаккирлар эса унинг бозор иқтисодиётидаги салбий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Яъни улар хусусий мулк қўплаб ижтимоий муаммоларга сабаб бўлишини таъкидлашга ҳаракат қилганлар.

Хусусий мулкнинг инкор этилиши, умумхалқ мулкнинг афзалликлари ҳам ҳаёт синовидан ўтмади. Барча турдаги мулкларнинг мавжудлиги, айниқса хусусий мулкдаги рағбатлантирувчи куч тарихда ва умуман иқтисодиётда муҳимдир.

Хусусий мулк айрим кишилар ва гуруҳларга тегишли бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланиб даромад топишга қаратилган мулк ҳисобланади. Хусусий мулкнинг устуворлиги бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. Хусусий мулк якка тартибдаги ва корпоратив хусусий мулкларга ажратилиб ўрганилади.

Якка тартибдаги хусусий мулк деганда алоҳида олинган мулкдор томонидан ўзлаштирилувчи восита ва неъматлар тушунилади.

Корпоратив хусусий мулк деганда маълум мақсад йўлида ўзаро бирлашган мулкдорлар маблағига асосланган корхоналар ташкил этиш орқали ўзлаштири-лувчи восита ва неъматлар тушунилади.

1.2-§. Бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос ўрни ва унинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас жиҳатлари (эғалик қилиш, фойдаланиш, ўзлаштириш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар тавсифи нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин. Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида кўрсатилганидек, ҳал қилувчи ролни мулкчиликнинг иқтисодий томони эгаллайди. Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ўзлаштирилмаса, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса, бунда у «ҳуқуқий» категория сифатида қолади. Бошқа томондан, мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсунувчи роль ўйнамайди. Бу шунда кўринадик, ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эғалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари (эғалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи) иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий меъёрлар, бир томондан, айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келса, бошқа

томондан, улар товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ғоят муҳим роль ўйнайди. Бу роль шунда кўринадик, товар хўжалиги шароитида айрим ижтимоий қатламлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмасдан, айирбошлаш муносабатларида иштирок этиб (масалан, савдо воситачилари) мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари, биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга (ҳуқуқий ёки жисмоний) тегишли эканлигини, иккинчидан, мулк эгаларининг қонун билан кўриқланадиган ваколатларини ва ниҳоят, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулк объектлари доираси ҳам табиий равишда кенгайиб боради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг қонуний асосларини белгилаб берди. Унда мулк шакллари ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, фуқароларнинг мулки “хусусий мулк” деб белгиланиши диққатга сазовордир. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг ҳатти ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш ҳақида ҳар қандай фикрлар хом ҳаёлдир⁶. Мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар, у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни ишлаб чиқишда бир қанча мураккаб муаммоларни тўғри ва изчил ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

⁶ Раҳмонкулов Х. Р. Ишонов Б. А. Фуқаролик ҳолатининг янги талқини.//Халқ сўзи. 1993 йил 25 ноябр.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон кучли ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришни, бозор муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилди. Шубҳасиз, “бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат”⁷ эди. “Шу сабабли иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизимини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат”⁸ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» деб кўрсатилган (53-модда, 2-қисм). Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий бозор муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Хусусий мулк ҳақида жуда кўплаб цивилист олимлар тадқиқот олиб борганлар. Шу ўринда хусусий мулк ўзи нима? – деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига таянган ҳолда, хусусий мулк хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар хил асосларда ўзлаштириладиган мол-мулклар деб тушуниш мумкин бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва нодавлат юридик шахслардир (хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонд кабилар).

⁷ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -45 б.

⁸ Ўша асарда, 45-46-бетлар.

Моддий бойликларни якка тартибда ўзлаштириш ҳар хил иқтисодий муносабатлар натижасида амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқариш натижасида, яъни ўзининг ёки ширкат эгалигидаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш (ўзлаштириш): иккинчидан, мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмасдан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни жалб этиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ўзлаштириши; учинчидан, тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш жараёнида ўзлаштириш⁹ хусусий мулкнинг иқтисодий мазмунини беради.

Хусусий мулк ҳуқуқи ҳақида баъзи олимлар- хусусий мулк бу даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир дейишса, бошқа бирлари хусусий мулк-бу ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий шахсларга тегишли бўлишлигидир деб кўрсатади. А.С.Пашков, Е.А.Суханов ва бошқаларнинг фикрича хусусий мулк ҳуқуқида ёлланма меҳнат ҳам ўз аксини топиши зарур¹⁰.

Хусусий мулкнинг тарихий моҳиятидан ва ҳозирги жаҳон мамлакатларида бўлган хусусий мулк тушунчаларидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда уни қонунчилигимизга жорий этдик. Шуларни ҳисобга олиб хусусий мулк ҳуқуқи деб – хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабат-ларини тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бу хусусий мулк ҳуқуқининг объектив маъносини беради. Ушбу таъриф хусусий мулк билан боғлиқ бўлган ҳамма муносабатларни ўз ичига қамраб олиб, уларни ҳуқуқ нормаларида мужассамланганини

⁹ Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юридлит. 1991. -134 с.

¹⁰Пашков А. С. Собственность и труд: правовые аспекты взаимодействия.//Государство и право. 1991. №11. 19-28 с.

белгилаб беради. Хусусий мулк эгаси ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши мумкин, яъни мулкдор ишлаб чиқаришда жисмонан қатнашиб, у ёки бу ҳаракатни амалга оширади. Бу унинг ишчи, техник, ходим мутахассис ва бошқа ходимлардан бири бўлиб иштирок этишида кўринади. Мулкдорнинг билвосита яъни ёлланма меҳнатни жалб этиш билан ишлаб чиқаришда қатнашиши деганда, ўз ишлаб чиқаришига ўзга шахслар билан шартнома ёки келишув асосида ёлланма ишчи кучини жалб этишди, у ёки бу воситалар билан иштирок этиши тушунилиб, у мулк эгасининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишида, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгаллигида ҳар хил моддий маблағлар билан иштирокида кўринади.

Хусусий мулкнинг бошқа ҳуқуқий асосларда вужудга келиши деганда фуқаронинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишидан, мерос олиш натижасида ҳар хил битимлар тузиш асосида ва бошқа қонун йўл қўйган асосларда вужудга келадиган мол-мулклар тушунилади. Бу мулккий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқ нормаларида мужассамланган бўлиб, улар хусусий мулк ҳуқуқини ташкил этади.

К.А.Улыбкиннинг таъкидлашича, хусусий мулк ҳар бир фуқарога юқори даражада хусусий тадбиркорлик имкониятини амалга оширишни, ўзида мустақиллик, тиришқоқлик, таваккалчиликни намоён этиши зарур. Булар хусусий мулкнинг асосий ривожланиш белгилари бўлиб, уларсиз тараққиёт ҳам бўлмайдиган¹¹.

Шунинг учун фуқаролар ўзларининг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, хусусий мулк ривожланишини амалда кўрсатмоқда. Шунингдек хусусий мулк инсонларда иқтисодий фаоллик, кучли қизиқиш ва қатъий жавобгарлик ҳиссини уйғотиш хусусиятига эгадир. У иқтисодий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлиб, боқимандалик ва истеъмол ҳолатларига чек қўяди. У хусусий мулк эгасидан тўғри ҳисоб-

¹¹Улыбкин К. А. Социалистическая собственность без иллюзий и догм. –М.: Высшая школа. 1990. -60 с.

китоб қилишни, жонбозлик кўрсатишни, эртанги кун учун жон куйдиришни талаб қилади.

Ҳар бир инсон дунёга келиши билан баъзи ҳолларда она қорнидан бошлаб хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлади ва вафот этгунга қадар бу ҳуқуқ ундан ажралмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (36-модда), Фуқаролик кодексида (577-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатилиши ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳозирги индивидуал мулк шаклларининг тараққиёти - хусусий мулк билан характерланади. Бунда ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулкний муносабатларнинг туб моҳиятини очиқ беради. Хусусий мулкни юридик шаклсиз тасаввур этиш қийин. Хусусий мулкда муайян мол-мулкнинг қатъий кимга тегишлилигини, бошқа ҳеч кимга тегишли эмаслигини ҳуқуқий таъминлаш зарурдир. Шунинг учун биринчи навбатда мол-мулкнинг мулк эгасига қатъий тегишлилигини ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарур. Агар бу қонунларда кўрсатилмаса бирор низо вужудга келса, уни ҳал этиш мумкин бўлмайди. Агар бу ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топса, мулкдорнинг ихтиёридан ташқари бирон йўл билан улар қўлидан кетганда уни талаб қилиб қайтариб олишга ҳақли бўлади. Бундай ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши хусусий рим ҳуқуқида дастлаб ўз аксини топган эди. Унда биринчи навбатда мулкдорнинг ашёвий ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш мутлақ характерга эга эди¹².

Фуқаролар хусусий мулкларидан бевосита ўзлари ёки бошқа шахсларга бериб қўйиш билан фойдаланиши мумкин. Улар бу ҳуқуққа асосан ўз мол-мулклари асосида хусусий корхоналар ташкил этиши ҳам мумкин. У корхона муассиснинг мулкидан юридик шахс сифатида фойдаланади ва унга шартномада кўрсатилган миқдорда олинган фойдадан фоиз тўлаб туради.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқидан фойдаланишда мол-мулкни гаровга қўйиши, ижарага бериши ва бошқа йўллар билан унинг фойдали

¹²Новицкий И. Б. Римское частное право. –М.: 1949. -16-17 с.

хусусиятларини олиши мумкин. Бунда мол-мулк эгаси бўлмаган шахс фойдаланишида бўлади.

Қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фуқаро хусусий мулкдан хоҳлаган тартибда, фақат атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарти билан, фойда олишни кўзлаб, мулкiiй жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойдаланиши кўрсатилган.

1.3-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари

Бозор муносабатларининг асоси бўлиб ҳисобланган кўп укладли иқтисодиёт мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш орқали шакллантирилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлат мулкига кирмайдиган бошқа корхона ва ташкилотларга айлантириш.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахслар, нодавлат юридик шахсларнинг давлатдан объектлар, давлат акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиши.¹³

Хусусийлаштириш рақобат муҳитини вужудга келтиради. Рақобат муҳитининг шаклланишида хусусийлаштириш ҳар хил шаклларда, аввало, давлат мулкнинг монополиясига барҳам бериш, шунга ўхшаш фаолият тури билан шуғулланадиган ёки турдош маҳсулот ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган, аммо мулкчиликнинг ҳар хил шакллари – жамоа мулки, хусусий мулк ва ҳ.к.га асосланган кўплаб корхоналар ташкил этиш орқали иштирок этади.

¹³ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 5-сон. – Т.: Адолат, 1993, 153-б.

Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг нодавлат сектори шаклланишининг ягона йўли эмас. Иккинчи кучли оқим – янги кичик ёки ўрта корхоналар яратишдир, улар индивидуал хусусий мулкчиликга турли кооперативлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишида шаклланиши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда уларнинг улуши ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпроғига тўғри келади.

Президент Ислам Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли рисоласида давлат мулкининг аҳамиятини ҳам қайд этиб ўтади. “Табиийки, иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши лозим бўлган соҳаларига ҳам эътибор берилиши лозим. Франция, Япония, Италия ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат сектори бозор иқтисодиёти шароитида ҳам сезиларли рол ўйнашда давом этишини кўрсатади. Давлат сектори ҳеч қандай роль ўйнамайдиган мамлакатни топиш қийин”.¹⁴

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунида мулкчиликнинг янги шакллари билан бир қаторда, давлат мулкини тасарруф этиш шакллари ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир. Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.¹⁵

И.Каримов тўла хўжалик юритувидаги корхонанинг мақоми ва ҳуқуқлари унга бозор иқтисодиёти шароитларига мослашишга имконият туғдириши лозимлигини қайд этади. Давлат корхоналари иқтисодий

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 292-293-б.

¹⁵ Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1-сон. – Т.: Адолат, 1991.

жиҳатдан мумкин қадар эркин бўлишлари, уларнинг фаолияти тижорат конун-қоидаларига асосланган бўлиши лозим. Мулкчилик шаклига кўра давлат корхонаси бўлгани ҳолда, улар хўжалик юритиш механизми, даромадни тақсимлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра нодавлат корхоналардан деярли фарқ қилмасликлари керак¹⁶. Фикрини давом эттириб, Президент янги уклад ва ўрта мулкдорлар табақасининг шаклланишини назарий жиҳатдан асослади ва амалда кўрсатиб берди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўрта мулкдорлар табақаси қандай роль ўйнайди, деган саволга аниқ жавоб берилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг сиёсий негизини қуйидагилар ташкил этади: биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари кучли мулкдорларининг мавжудлиги; иккинчидан, айнан ўрта мулкдорлар табақаси фуқаролик жамияти шаклланишининг таянчи ҳисобланади; учинчидан, аҳоли ўртасида мулкдорларнинг ўрта табақаси шаклланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқага қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, «стратегик жиҳатдан олганда, биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнесга берилади. Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир»¹⁷. Муҳими – кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча ҳисобланади. Хусусийлаштириш – давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий

¹⁶ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 293-б.

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 156-б.

шахсларга ўтиши бўлса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. У қуйидаги бир қатор йўллар билан амалга оширилади:

- давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш;
- давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш;
- мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш;
- мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш;
- айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш;
- давлат мол-мулкни аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкни бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкни бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш (1.2-расм).

1.2-расмдан кўриниб турибдики, мулкни бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш ўз ичига меҳнат жамоаларига бепул топшириш, барча жамият аъзоларига бепул бўлиб бериш ва аҳолининг айрим ижтимоий қатламларига бепул беришни олади. Мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш эса ўз ичига мулкни меҳнат жамоаларига сотиш, барча жамият аъзоларига сотиш, ким ошди савдосида фуқароларга ёки юридик шахсларга сотишни қамраб олади.

Мулкни бепул бўлиб бериш ҳамда сотиш усуллари уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш ўз ичига фойда келтирмаётган корхонани меҳнат жамоасига бўлиб бериш, ҳар бир жамият аъзосининг давлат мулкни ҳосил қилишдаги иштироки, яъни қўшган ҳиссасига қараб бўлиб бериш, чет эл фирмалари ва фуқароларига ташқи қарзни узиш эвазига бериш ёки

сотиш, корхоналарни кейинчалик меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиниши шarti билан ижарага беришни ўз ичига олади.



1.2-расм. Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг усуллари

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг кўрсатиб ўтилган йўллари ва усулларида қайси бирини танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Масалан, Россияда давлат мулкани ваучер орқали бепул тақсимлаш усули қўлланилди. Бундан оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Агар тадбиркорликни рағбатлантириш кўзда тутилса, хусусийлаштириш танлаб олинган озчилик ўртасида

ўтказилади. Агар хусусийлаштириш четдан капиталнинг кириб келишига, йўл очиши зарур бўлса, давлат мулкни хорижий тадбиркорларга бериш шаклида амалга оширилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда айрим усулларга устуворлик бериш бошқа усуллари қўллашни рад этмайди, аксинча, уларни ҳам қўллаш зарурлигини билдиради. Масалан, корхона жамоасига устунлик берилиб, давлат мулкни акциялаштириш, бу акцияларни сотиб олишда шу жамоадан ташқари кишилар ва чет эл капиталининг иштирок этиши ҳам бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан қатъи назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни вужудга келтиришни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкнинг барча шакллари ва турлари ривожланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатлаштиришдан қайтиш йўлларидадир. Хусусийлаштириш давлат мулкни маълум даражада ҳақиқий эгалари – фуқароларга бериш демакдир. Кўпинча хусусийлаштириш – бу давлат мулкни ишловчиларга бериш, деб талқин қилинади. Аслида мамлакатнинг барча аҳолисига давлат мулкни бўлиб бериб бўлмайди, бунда аҳолининг ҳаммаси мулкка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни айирбошлаш каби машаққатли ишларни ўз зиммасига олавермайди.

Давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш жараёнида, авваломбор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш ва улар йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаши мумкин.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат мулкани хусусийлаштиришнинг кенг кўлами дастурини ишлаб чиқариш зарур.

Хукукий жиҳатдан хусусийлаштирилган барча корхоналарга эркин иқтисодий хўжалик юритиш ҳукуқи берилиши ва давлат сектори билан тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Давлат секторига нисбатан бу корхоналарга солиқларни бирмунча камайтириш ва айримларини маълум муддатга солиқдан озод қилиш зарур.

Хусусийлаштириш натижасида аҳоли орасида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш юз беради ва кишиларнинг бажарган ишига қараб оладиган ҳақи турлича бўлиб, аҳолининг даромадларида ҳам табақаланиш юз беради. Кишилар турли соҳаларда, масалан бизнесда турли шакллардаги мулкка эга бўлиб, акция сотиб олиш ва корхона мулкида ўз ҳиссаларини ошириб боришга ҳаракат қиладилар. Хусусийлаштириш орқали корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, маълум жамоа ва шахсларга сотилгандан кейин фаолиятларини бозорнинг шафқатсиз рақобат қонунлари асосида ташкил этади. Бозор корхоналарининг яшовчанлигини ва уларни доимо рақобат курашида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур этади. Мабодо корхона рақобат курашига дош беролмай синса, олдинги даврдагидек давлат бюджетидан маблағ ҳисобига уни сақлаб қолиш ҳолларига хусусийлаштириш орқали барҳам берилади.

Хусусийлаштириш мулкнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишни акс эттирмаслиги керак, балки хусусийлаштириш олдида қўйилган вазифа катта бўлиб, яъни хусусийлаштириш орқали аввало барча соҳани ўз қарамоғида турли услублар орқали бирлаштириб турган давлат ҳукмронлигини иқтисоддан ажратиш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бу мулкчиликнинг ривожланишига, унинг янги босқичига ўтишига бўлган талабидан келиб чиқадиган бир жараёндир. Хусусийлаштиришнинг ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири - бу ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ташаббуси, уларнинг ишлаб

чиқаришдаги фаоллиги ҳамда ишбилармонлигидир. Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида ҳокимият ва ишлаб чиқариш соҳаларига янги ишбилармонлар, аҳолининг фаол қисми жалб этилади ва мулк муносабатларни ривожлантиришдан ҳамда мулк шакллари тақомиллаштиришдан аҳолининг шу қисми манфаатдоргина бўлиб қолмай, балки ўрта ва қуйи ижтимоий қатламни ҳам мулк муносабатларни тақомиллаштиришдан манфаатдор қилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилишини кўзда тутди.

Давлатлаштиришдан қайтишнинг муҳим йўналишлари бу ижара муносабатларини ривожлантириш ва акционерлик мулкани шакллантириш ҳисобланади. Бу жараён маълум тадбирларга риоя қилинган ҳолда олиб борилиши лозим, бу аввало, ихтиёрийлик асосида, ошкоралик ҳамда жамоатчиликнинг умум иштирокида амалга оширилиб, у меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаатига, давлат манфаатларига путур етказмаслиги, шу билан бирга истеъмолчилар манфаатларига ҳам зид бўлмаслиги зарур. Бу ҳолда маҳсулот ҳажми, сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхши ташкил этиш, мавжуд моддий техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, фан ва техника ютуқлари, янги технологиядан самарали фойдаланиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бозорда нархларнинг пасайишига эришиш йўли билан аҳолининг моддий фаровонлигининг ошишига эришиш талаб этилади.¹⁸

I боб бўйича хулоса

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни моддий ва маънавий неъматларни ўзлаштириш борасидаги иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Агар мулкчиликнинг иқтисодий

¹⁸ Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005, 111-115-b.

мазмунни у ёки бу объектни ўзлаштириш ва фойдаланиш борасида субъектлар ўртасидаги муносабатларни билдирса, мулкчиликнинг ҳуқуқий мазмунни субъектнинг объектга нисбатан бўлган муносабатини акс эттиради.

Хусусий мулк айрим кишилар ва гуруҳларга тегишли бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланиб даромад топишга қаратилган мулк ҳисобланади. Хусусий мулкнинг устуворлиги бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. Хусусий мулк яқка тартибдаги ва корпоратив хусусий мулкларга ажратилиб ўрганилади.

Мулкни давлат тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш – корхоналар устав фондида давлат улушининг қисқариши, уларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишни кенгайтиришга қаратилган комплекс дастурдан иборат жараёндир.

Хусусийлаштириш - давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллари вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини акциядорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкни аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкни бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкни бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг босқичлари ҳамда уларнинг натижалари

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки палласидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий меъёрлар ва амал қилиш механизмлари яратилди.¹⁹

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти – уни махсус дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат. 1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг *биринчи босқичини* ўз ичига олиб, бу босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди (2.1-расм).

Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида давлат иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган

¹⁹ Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари (1994 йил 21 январь) ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги (1994 йил 16 март) фармонлар.

айрим секторларни, айрим корхоналарни сақлаб туришни ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олди.



2.1-расм. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи натижасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими вужудга келтирилди. Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусий ва жамоа мулки қилиб берилди. Натижада 1997 йилда савдо-сотик ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 95 фоиздан ортиқроғи давлатга қаршли бўлмаган секторга тўғри келди. Уй жойларни хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ

квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган **иккинчи босқич** 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари республика қимматли қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулки акциядорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналарини ташкил қилиш жадаллаштирилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу босқичида очик турдаги акциядорлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкни танлов асосида ҳамда ким ошди савдосида сотиш амалиётга жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама тавсифга эга. Бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтиради. Иккинчи томондан, янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қаршли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик асосида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш – иккинчи қудратли жараён ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг **учинчи босқичига** кирди. Бу босқич даврида (1996-1998 йиллар) хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналар (жами 3146 та) давлат тасарруфидан чиқарилди.

Хусусийлаштириш жараёнларининг *тўртинчи босқичи* (1998-2003 йиллар)нинг асосий вазифалари сифатида давлат бюджетига хусусийлаштиришдан тушган маблағларни йўналтириш, хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва мулкчиликнинг янги муносабатларини тўлақонли амал қилиши учун шароитлар яратиш тадбирларини амалга ошириш белгиланди. Мамлакатимиздаги давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг 1995-2003 йиллардаги асосий натижаларини -жадвал орқали кузатиш мумкин.

2.1-жадвал

Ўзбекистонда 1995-2003 йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари²⁰

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Хусусийлаштирилган корхоналар сони, бирлик	8537	1915	1231	451	448	374	1449	1912	1519
Хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган нодавлат мулкидаги корхоналар сони	8537	1915	899	266	373	372	1238	1800	1452
Акциядорлик жамиятлари	1026	1257	456	110	141	152	227	223	75
Хусусий корхоналар	6036	420	260	103	156	103	827	1252	981
Бошқа шаклдаги корхоналар	1475	238	183	53	76	117	184	325	396
Хусусийлаштиришдан тушган маблағ, млрд. сўм	2,4	5,3	4,4	8,9	9,1	14,3	23,2	43,6	56,1

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида 17836 та давлат объекти хусусийлаштирилиб, улар асосида 16852 та нодавлат мулкидаги корхоналар ташкил этилган. Жумладан, ушбу корхоналарнинг 3667 таси (21,8%) акциядорлик жамиятлари, 10138 таси (60,2%) хусусий корхоналар, 3047 таси (18,1%) бошқа шаклдаги корхоналардан иборат. Бу

²⁰ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

даврда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми 167,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳозирги – *бешинчи босқичи* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони билан боғлиқ. Мазкур Фармон асосида иқтисодий ночор корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган объектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилди. Хусусан, хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошланғич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни ноль даражадаги харид қиймати бўйича танлов асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди²¹.

Мамлакатимизда ҳозирда ҳам хусусийлаштириш жараёнлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Маълумотларнинг кўрсатишича, 2004-2013 йиллар давомида 4395 та давлат объекти хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида тушган маблағларнинг жами ҳажми 645,2 млрд. сўмни ташкил этган (2.2-жадвал).

Республикада хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги унинг навбатдаги хусусиятидир. Бу аҳолининг барча қатламларига мазкур жараёнда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. Хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги уй-жойларнинг ўз

²¹ Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. – Восемнадцатые Международные Плехановские чтения «Реформирование и модернизация национальной экономики – стратегический курс на демократизацию и обновление общества»: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. – М.: изд-во РЭА, 2005, с.22-23.

эгаларига имтиёзли ёки бепул берилишида, аҳолининг кўпроқ муҳтож ва заиф қатламларини қўллаб-қувватлашнинг турли хил дастурлари бюджет маблағлари ҳисобига қопланишида, қишлоқ аҳолиси ўз ёрдамчи хўжалиги учун чек ерлар олиши кабиларда ифодаланади.

2.2-жадвал

Ўзбекистонда 2004-2013 йилларда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши²²

Йиллар	Хусусийлаштирилган объектлар сони	Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари, млрд. сўм
2004	1228	78,4
2005	980	80,5
2006	673	70,5
2007	631	111,1
2008	392	130,6
2009	135	35,7
2010	96	23
2011	95	39,2
2012	83	32,1
2013	82	44,1

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг тўловлилиги унинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Пулни тўлаш орқали давлат тасарруфидаги корхона ва объектларни хусусийлаштиришда мулкни бепул тақсимлаш билан боғлиқ салбий ҳолатлар бартараф этилиши билан бирга қатор муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Булардан асосийси аввало тадбиркорликни, хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари пайдо бўлади, бозор инфратузилмасини барпо этиш учун ресурслар вужудга келади ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурини рўёбга чиқариш учун маблағлар жамланади. Давлат мол-мулкни янги мулкдорларга сотиш йўли орқали уларни мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантирилиши билан бирга

²² Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

хусусийлаштиришдан олинадиган маблағлар шу корхонанинг ўзини кўллаб-қувватлашга, янги рақобатлашувчи корхоналар барпо этишга ҳам сарфланади.

Навбатдаги муҳим хусусият – республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилди ва таъминланди. Ижтимоий кафолатлар бир бутун имтиёзлар тизими орқали яратилди. Булар хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиш, янги мулкдорга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини бепул топшириш, давлат корхоналарининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва шу кабиларни имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштириш ҳамда солиқ тўлашда айрим имтиёзлар бериш кабилардир.

Республикада давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари Президентимиз И.А.Каримов томонидан баён қилинган иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий қоидаларидан келиб чиқади. Булар қуйидагилар:

а) давлат мулкни хусусийлаштириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсиндирилади ва уларнинг асосини ташкил қилади;

б) мулкни хусусийлаштириш жараёни давлат томонидан бошқарилади;

в) хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилади.

Шунингдек, Президентимиз ўзининг 2007 йил якунларига бағишланган маърузасида ўтган йилда давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилгани, корхоналар капиталида давлат иштирокини кескин камайтириш бўйича қарорлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айни вақтда давлат мулкни баҳолаш ва кейинчалик хусусий мулк сифатида сотишни тартибга соладиган меъёрий базани эркинлаштириш юзасидан ишлар олиб

борилаётгани, давлат мулкани инвестиция киритиш ва бошқа мажбуриятлар асосида сотиш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторлари билан тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 3-4 баробар кўпайиб, 310 миллион доллар ҳамда 57 миллиард сўмни ташкил этгани, жами тушумларнинг 65 фоиздан ортиғи хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганлиги қайд этилди.

«Давлат объектларини хусусийлаштиришда биз учун энг асосий тамойил, – деб таъкидлади Президентимиз, – бу ишнинг кўзини биладиган, омилкор мулкдорларни жалб этиш, корхоналарни ҳақиқий эгасига, хусусийлаштирилган завод ёки фабрикани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлган моҳир менежерларга топшириш керак.

Шундай натижага эришишимиз керакки, бизнинг пировард мақсадимиз амалга ошсин – барча корхоналарни ўз иши учун қайғурадиган ҳақиқий мулкдорлар, ҳақиқий мулк эгалари бошқарсин»²³.

Республикаимизда хусусийлаштириш бўйича қўйилган вазифа – давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли роль ўйнашини инкор қилмайди. Чунки иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган соҳалар ҳам мавжуд. Бундай корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида таъкидланишича, маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш,

²³ Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ошиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5-7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор²⁴. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратadbirlari тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тadbirlari муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70% ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

²⁴ Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 40-41-б.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштиради²⁵.

Иқтисодий ислохотларнинг бош бўғини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади.

Шу сабабли Республикада мулкий муносабатларни ислох қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

2.2-§. Ўзбекистонда мулкчилик шакллари таркибий тузилишининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланади. Бозор иқтисодиёти турли мулкчилик шаклларига асосланади ва унда хусусий мулкнинг даражаси устун бўлади. Давлат иқтисодиётга чекланган равишда аралашиб, уни тартибга солиб туради. Шунга асосан, бозор иқтисодиёти ривожланиб боргани сайин, иқтисодиётда давлат секторининг улуши пасайиб, нодавлат секторининг улуши ортиб боради(2.3-жадвал).

2.3-жадвал.


Мулкчилик шакллари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг таркиби²⁶ (якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:											
давлат сектори	23,9	24,3	23,6	22,8	21,7	20,4	20,6	20,4	20,6	16,4	17,2
нодавлат сектор	76,1	75,7	76,4	77,2	78,3	79,6	79,4	79,6	79,4	83,6	82,8

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 85-б.

²⁶ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

2.3-жадвалдан кўриниб турибдики, 2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида давлат секторининг улуши 23,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 17,2 фоизни ташкил этди, демак 6,7 фоизга камайган. 2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида нодавлат секторининг улуши 76,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 82,8 фоизни ташкил этди, демак 6,7 фоизга ошган.



2.2-расм. Иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши, фоиз.

2.2-расмдан кўриниб турибдики, 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 82,8 фоизи, саноат маҳсулотининг 92,8 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,9 фоизи, қурилиш ишларининг 92,4 фоизи, чакана товар айланмасининг 99,8 фоизи, хизмат кўрсатишнинг 86,9 фоизи, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 81,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тобора ривожланиб бориши, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиши ҳамда яратилаётган қулай имкониятлар натижасида хусусий мулкнинг устуворлиги даражаси ортиб бормоқда. Мамлакатимизда мулкчилик шакллари бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда нодавлат секторининг улуши ортиб бормоқда(2.4-жадвал).

2003 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида давлат секторининг улуши 30,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 17,7 фоизни ташкил этди. 2003 йилда бу соҳада нодавлат секторининг 69,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 82,3 фоизга етди.

2.4-жадвал.

Мулкчилик шакллари бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тақсимланиши²⁷ (фоиз ҳисобида)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами хизматлар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича										
давлат	30,7	28,3	23,2	23,2	20,9	19,7	20,3	18,3	18,3	17,7
нодавлат	69,3	71,7	76,8	76,8	79,1	80,3	79,7	81,7	81,7	82,3
шу жумладан хусусий	42,0	41,2	46,9	44,0	40,7	38,9	36,0	33,2	37,0	37,4

Мулкчилик шакллари бўйича чакана савдо товар айланмасининг асосий қисмини нодавлат сектори ташкил этади. Ҳозирги кунда мулкчилик шакллари бўйича чакана савдо товар айланмасининг асосий қисмини, 99,8 фоизини нодавлат сектори ташкил этади (2.5-жадвал).

2.5-жадвал.

Мулкчилик шакллари бўйича чакана савдо товар айланмаси²⁸

	Млрд.сўм		Жамига нисбатан фоизда	
	2012	2013	2012	2013
Жами	36946,4	47010,8	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:				
давлат	80,0	83,8	0,2	0,2
нодавлат	36866,4	46927,0	99,8	99,8
Шу жумладан				
хусусий	26539,6	32990,2	71,8	70,2
Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	460,2	575,2	1,3	1,2
Бошқалар	9866,6	13361,6	36,7	28,4

²⁷ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

²⁸ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши ҳам фарқлар мавжуд бўлади(2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)²⁹

<i>Кўрсаткичлар</i>	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:											
давлат	36,4	39,7	30,9	33,1	27,3	23,3	23,9	21,8	22,6	22,3	20,7
нодавлат	63,6	60,3	69,1	66,9	72,7	76,7	76,1	78,2	77,4	77,7	79,3
улардан:											
фуқаролар хусусий мулки	14,4	13,6	12,9	13,7	12,9	10,8	12,1	17,2	19,4	20,8	20,2
хўжалик бирлашмалари	27,1	24,1	33,3	26,8	28,7	30,8	25,0	28,4	29,6	28,6	30,4
Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	14,8	16,3	16,6	17,5	25,3	29,4	33,4	28,5	23,1	21,3	х
бошқа корхоналар	7,3	6,3	6,3	8,9	5,8	5,7	5,6	4,1	5,3	7,0	х

2.6-жадвалдан кўриниб турибдики. 2003 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 36,4 фоизини давлат мулки корхоналарига тўғри келган бўлса, 2013 йилда эса 20,7 фоизи давлат мулки корхоналарига тўғри келди. Бу эса асосий капиталга киритилаётган инвестициялар

²⁹ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

таркибида давлат мулки асосланган корхоналарнинг улуши йилдан-йилга камайиб бораётганлигини билдиради.

2003 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида нодавлат мулк шаклига асосланган корхоналарнинг улуши 63,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 79,3 фоизни ташкил этди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар фуқаролар хусусий мулки асосланган корхоналар улуши 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса 20,7 фоизни ташкил этди.

Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди.

Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.


Мамлакатизда мулкчилик шакллари буйича қурилган уй-жойларнинг асосий қисми нодавлат мулк шакли ҳиссасига тўғри келади. 2003 йилда жами қурилган уй сони 60,9 мингтани ташкил этган бўлса, шундан 60,1 мингтаси нодавлат мулк шаклига тўғри келган. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра жами қурилган уй сони 82,7 мингтани ташкил этган бўлса, шундан 82,4 мингтаси нодавлат мулк шаклига тўғри келган(2.7-жадвал).

2.7-жадвал

Мулкчилик шакллари буйича қурилган уй-жойлар сони³⁰ (минг)

Йилла р	Жами қурилг ан уй - жойлар	Шу жумладан мулкчилик шакллари буйича						
		улардан						
		дав- лат	нодав- лат	фуқарола р хусусий мулки	шу жумладан, якка тартиб- даги уй-жой қурилиши	хўжали к бирлаш малари	қўшма корхо- налар, чет эл фуқаролари ва ташкilotлари	бош қала р
2003	60,9	0,8	60,1	59,3	59,3	0,8	-	-
2004	54,5	0,4	54,1	53,8	53,8	0,3	-	-
2005	55,3	0,5	54,8	54,4	54,4	0,3	-	0,1
2006	56,4	0,4	56,0	55,6	55,6	0,4	-	-
2007	59,9	0,3	59,6	58,8	58,8	0,6	0,1	0,1
2008	62,7	0,1	62,6	61,9	61,9	0,5	-	0,2
2009	64,4	0,7	63,7	63,1	63,1	0,5	-	0,1
2010	75,3	0,4	74,9	66,9	66,9	7,8	0,1	0,1
2011	73,4	0,5	72,9	66,1	66,1	6,7	-	0,1
2012	82,7	0,3	82,4	72,8	72,8	9,6	-	-

2.7-жадвалдан кўриниб турибдики, 2012 йилда жами қурилган уй – жойларнинг 72,8 мингтаси фуқароларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Бу эса жами қурилган уй жойларнинг 88 фоизи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб ҳисобланади (2.3-расм).




2.3-расм. Мулкчилик шакллари буйича қурилган уй-жойлар сони ва унинг мулк шаклларидаги улуши³¹, фоиз

2009 йилдан бошлаб Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан қишлоқ аҳолисини замонавий турар-жойлар билан таъминлаш, қишлоқда

³⁰ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

³¹ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз маърузасида “...Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойикдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди”³² деб таъкидлаб ўтди(2.4-расм).



2.4-расм. қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар сони

Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли-туман шакллари ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда кейинги йилларида мулкчилик шакллари бўйича бандлик даражасига эътибор берадиган бўлсак, нодавлат мулк шаклларининг даражаси давлат мулки даражасига қараганда ортиб бормоқда.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда.

Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг

³²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани барчамизга яхши маълум.

Хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган хусусий корхоналарнинг асосий мақсадидир.

2.8-жадвал.

Мулкчилик шакллари бўйича бандлар сони³³

Кўрсаткичлар	Минг киши					Жамига нисбатан фоизда				
	2003	2010	2011	2012	2013	2003	2010	2011	2012	2013
Иқтисодиётда жами бандлар сони	9589	11628	11919	12223,8	12523,3	100	100	100	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича										
давлат	2229	2410	2369	2363,2	2341,1	23,25	20,73	19,88	19,3	18,7
нодавлат	7360	9218	9550	9860,6	10182,2	76,75	79,27	80,12	80,7	81,3
шундан:										
фукаролар хусусий мулкчилигидан	5149	8020	8285	8605,2	8900,2	53,70	68,97	69,51	70,4	71,1

Хусусан 2003 йилда давлат мулки бўйича бандлик даражаси 23,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 18,7 фоизни ташкил этди. Демак мулкчилик шакллари таркибида давлат

³³ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

мулки ҳисобланган корхоналарда банд бўлганлар даражаси йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Нодавлат мулк шакллари бўйича бандлар даражаси даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2003 йилда нодавлат мулки бўйича бандлик даражаси 76,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 81,3 фоизни ташкил этди. Демак мулкчилик шакллари таркибида нодавлат мулки ҳисобланган корхоналарда банд бўлганлар даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Фуқаролар хусусий мулкчилигида банд бўлганлар даражаси 2003 йилда 53,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига 71,1 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Респуликаси Президенти И.А. Каримов “...2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда”³⁴ деб таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилган **мулкрий-таркибий ислохотлар** жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, жумладан, хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган 23 йил давомида фермер хўжаликлари муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида аграр соҳада бутунлай янги хўжалик юритиш шакли сифатида вужудга келишдан

³⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

бошлаб асосий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчисигача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишига эътибор қаратадиган бўлсак, унда нодавлат мулкнинг мутлоқ устунлигини кўрамиз (2.9-жадвал).

2.9-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши³⁵ (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:										
давлат мулки	0,7	0,6	0,5	0,5	0,2	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1
нодавлат мулки	99,3	99,4	99,5	99,5	99,8	99,8	99,8	99,8	99,9	99,9

2.9-жадвалдан кўриниб турибдики, 2003 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишида нодавлат мулк шакли 99,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 99,9 фоизни ташкил этди.

2.10-жадвал.

Корхоналар ва ташкилотларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши (1 январга; минг) (фермер хўжаликларисиз)

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Жами	196,3	210,8	218,5	231,8	250,1	257,7	274,4	283,4	298,9	301,6
шу жумладан:										
давлат сектори	26,0	25,3	24,2	24,0	32,7	34	36,9	39,4	39,3	39,4
нодавлат сектор	170,3	185,5	194,3	207,8	217,4	223,7	237,5	244	259,6	262,2
Фуқаролар хусусий мулки	92,4	94,6	91,5	95,2	98,5	100,5	104,5	107,3	107,8	102,0
Акциядорлик жамиятлари	5,0	2,5	2,2	2,0	1,9	1,8	1,4	1,2	1,1	1,0
Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	3,2	3,4	3,6	3,8	4,1	4,3	4,4	4,6	4,6	4,7
Бошқа нодавлат мулк шакллари	69,7	85,0	97,0	106,8	112,9	117,1	127,2	130,9	146,1	154,5

³⁵ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

2.10-жадвалдан кўриниб турибдики фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда корхоналар ва ташкилотларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 196,3 мингта корхонанинг 26 мингтаси давлат секторига тўғри келган бўлса, 170,3 минг таси нодавлат секторига тўғри келган. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 301,6 мингта корхонанинг 39,4 мингтаси давлат секторига тўғри келган бўлса, 262,2 минг таси нодавлат секторига тўғри келган. Акциядорлик жамиятларининг сони 2004 йил 1 январь ҳолатига 5 мингтани ташкил этган бўлса, 2013 йил 1 январь ҳолатига келиб, 2004 йилга нисбатан 4мингтага камайиб, 1 мингтани ташкил этган.

2.11-жадвал.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари қиймати (амалдаги нархларда; млрд.сўм)

	2012	2013
Жами	11753,9	15219,3
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:		
давлат	816,1	1161,3
нодавлат	10937,8	14058,0
Шу жумладан		
хусусий	5944,9	7524,9
Хўжалик бирлашмалари	3357,9	4460,2
Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	1047,1	1440,2
Бошқалар	587,9	692,7

2.11-жадвалдан кўриниб турибдики, мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари қиймати давлат мулк шакли бўйича 2012 йилда 816,1 млрд.сўмни, 2013 йилда эса 1161,3 млрд.сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 42 фоизга ўсган. Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари қиймати нодавлат мулк шакли бўйича 2012 йилда 10937,8 млрд.сўмни, 2013 йилда эса 14058,0 млрд.сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 29 фоизга ўсган.

2.12-жадвал.

Қурилиш ишлари қийматининг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши³⁶ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2012	2013
Жами	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:		
давлат	6,9	7,6
нодавлат	93,1	92,4
Шу жумладан		
хусусий	50,6	49,2
Хўжалик бирлашмалари	28,6	29,3
Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари	8,9	9,5
Бошқалар	5	4,2

2.12-жадвалдан кўриниб турибдики, Қурилиш ишлари қийматида 2012 йилда давлат мулки 6,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса 7,6 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари қийматида нодавлат мулк шакли 2012 йилда 93,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 92,4 фоизни ташкил этган.

2.13-жадвал.

Руйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши³⁷ (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз; 1 январь ҳолатига)

	2013		2014	
	Жами минг бирлик	Жамига нисбатан фоизда	Жами минг бирлик	Жамига нисбатан фоизда
Руйхатдан ўтган - жами	259,6	100,0	266,4	100,0
шу жумладан мулкчилик шакли бўйича				
давлат	39,4	15,2	39,5	14,8
нодавлат	220,2	84,8	226,9	85,2
Фаолият кўрсатаётган - жами	229,2	100,0	241,2	100,0
шу жумладан мулкчилик шакли бўйича				
давлат	39,0	17,0	39,2	16,3
нодавлат	190,2	83,0	202,0	83,7

³⁶ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

³⁷ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

2.13-жадвалдан кўриниб турибдики, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган корхоналарнинг сони 266,4 мингга ташкил этмоқда. Шундан давлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар 39,5 минг (14,8 фоиз) ни ташкил этса, нодавлат мулкига асосланган корхоналар сони 226,9 минг (85,2 фоиз) ни ташкил этади. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган 241,2 мингга ташкил этади. Шундан давлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар 39,2 минг (16,3 фоиз) ни ташкил этса, нодавлат мулк шаклига асосланган корхоналар 202 минг (83,7 фоиз) ни ташкил этган.

2.3-§. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш натижалари ва унинг хусусий мулкни ривожлантиришдаги аҳамияти

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда иқтисодий хилма-хилликнинг шаклланиши ҳал қилувчи босқичлардан ўтди. Бунинг учун мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришдан иборат бўлган энг қулай шароитлар яратилмоқда. Бунда хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ҳал қилувчи роль ўйнамоғи лозим. Бу жараён кўп укладли иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган реал мулкдорлар синфини шакллантириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришнинг гарови ҳисобланади.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2.14-жадвал).

**Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги
ўсиш суръатлари³⁸, фоизда**

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5	15,7
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40	32	26,5	26,5	20,8	23,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0	10,2


2.14-жадвалдан кўринадикки, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда.

Жумладан, 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 15,7 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 53,0 фоизни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2013 йилга нисбатан 14,3 фоизга ўсиши кузатилди.

Давлат бюджетининг бажарилиши ЯИМ га нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси кутилган прогноздан


³⁸ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

ошмади ва 6,1 фоизни ташкил этди. Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши бюджет корхоналарида 23,2 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсишиёса 10,2 фоизга ўсди.



2.5-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ таркибидаги улуши³⁹, фоизда.

Мамлакатимиздаги юқори ва барқарор ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан давлат иқтисодий сиёсати орқали фаолликнинг рағбатлантирилишига боғлиқ бўлиб, бунда солиқ юкининг йилдан-йилга пасайтириб борилаётгани сезиларли таъсир кўрсатмоқда (2.6-расм).



2.6-расм. Ўзбекистонда солиқ юки даражасининг пасайиб бориши, ЯИМга нисбатан фоизда

Ўзбекистонда солиқ юки 1995 йилда ЯИМга нисбатан 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 2 баробардан кўпроқ пасайиб, 20 фоизни

³⁹ Жадвал магистрант томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг Ўзбекистон рақамларда ва Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

ташкил этди. Яъни, 2014 йилда солиқ юкининг умумий даражаси ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизлик пунктга камайтирилди. Ушбу кўрсаткичнинг дунёдаги ривожланган ва бошқа бир қатор давлатлар ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати жуда мўътадил ҳолатда эканини кўриш мумкин (2.15-жадвал).

2.15-жадвал

Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси,

ЯИМга нисбатан фоизда⁴⁰

Давлатлар ва уларнинг уюшмалари номи	Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда	Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа Иттифоқи давлатлари	42,6	2 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
ИХРТга аъзо давлатлар	35,9	1,7 марта паст
Жанубий Осиё давлатлари	40,2	1,9 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст
Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДХга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	20,5	х

Жадвалдан кўринадики, Ўзбекистонда солиқ юки дунё бўйича, шу жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 марта паст. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, МДХ мамлакатларидаги солиқ юки ўртача даражасининг ҳам нисбатан паст бўлишида Ўзбекистондаги солиқ юкининг паст даражаси сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1 фоизни, Белоруссияда 27,6 фоизни, Украинада 25,3 фоизни ташкил этади⁴¹.

2014 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 8

⁴⁰ Манба: www.worldtax.org, www.worldwide-tax.com, www.taxworld.org интернет сайтлари маълумотлари

⁴¹ Манба: www.worldtax.org.

фоиздан 7,5 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди (6-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони ҳамда бошқа қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини янада ошириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш борасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2014 йил давомида:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 банк кунигача қисқартирилди;


– банк ҳисобварағини очиш, давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш ва нотариал тасдиқланган имзолар намунасини олиш бекор қилинди;

– ҳисобварақларга электрон кўринишда хизмат кўрсатиш учун олинадиган тўлов миқдори 20 фоизга қисқартирилиб, молия-банк соҳасида 8 турдаги рухсат бериш тамойиллари бекор қилинди;

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши бўйича меъёр бекор қилиниб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муддати тижорат банкининг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Банкнинг кредит сиёсати»да акс эттириладиган бўлди;

– тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 9,2 трлн. сўмни ташкил этди (2.7-расм).




2.7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори⁴², миллиард сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “...2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп⁴³” деб таъкидлаб ўтди.

2014 йилда 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.

⁴² Расм магистрант томонидан Марказий банкнинг cbi.uz сайти маълумотлари асосида яратилган.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.



2.8-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси⁴⁴, миллиард сўм

Хусусан:

– ажратилган микрокредитлар 1,9 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсди;

– халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари, грантлари ҳисобидан 157,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди ёки белгиланган прогноз кўрсаткичи 121,4 фоизга бажарилди;

– имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 61 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга 201 млрд. сўм (2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўп) кредит маблағлари йўналтирилди.

⁴⁴ Расм магистрант томонидан Марказий банкнинг cbi.uz сайти маълумотлари асосида яратилган

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 июндаги 175-сонли қарорига асосан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг 33 таси маъқулланиб, мазкур инвестиция лойиҳалари бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқарилиши молиялаштирилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 105 та лойиҳалари доирасида тижорат банклари томонидан 49,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда банк тизимида бизнесни юритиш шарт-шароитларини енгиллаштириш ва арзонлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг 2014 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитлари бўйича «Бизнесни юритиш – 2015» навбатдаги йиллик ҳисоботида бизнесни юритиш шарт-шароитлари бўйича республикаимизнинг рейтинг кўрсаткичи 2014 йилнинг ўзида 8 поғонага кўтарилди.

Шу жумладан, кредитлаш шартлари бўйича сўнгги икки йилда мамлакатимизнинг рейтинги 50 поғонага, яъни 154-ўриндан 104-ўрингача кўтарилди. Бунда ушбу кўрсаткич бўйича кўтарилиш 2013 йилда 24 поғонани, 2014 йилда эса 26 поғонани ташкил этди.

Шунингдек, «Кредит ахбороти алмашинуви индекси» бўйича Ўзбекистон банк тизими мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди ва бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

II боб бўйича хулоса

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда иқтисодий хилма-хилликнинг шаклланиши ҳал қилувчи босқичлардан ўтди. Бунинг учун мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришдан иборат бўлган энг қулай шароитлар яратилмоқда. Бунда хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ҳал қилувчи роль ўйнамоғи лозим. Бу жараён кўп укладли иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган реал мулкдорлар синфини шакллантириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришнинг гарови ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирда ҳам хусусийлаштириш жараёнлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Маълумотларнинг кўрсатишича, 2004-2013 йиллар давомида 4395 та давлат объекти хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида тушган маблағларнинг жами ҳажми 645,2 млрд. сўмни ташкил этган.

Бозор иқтисодиёти ривожланиб боргани сайин, иқтисодиётда давлат секторининг улуши пасайиб, нодавлат секторининг улуши ортиб боради

2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 82,8 фоизи, саноат маҳсулотининг 92,8 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,9 фоизи, қурилиш ишларининг 92,4 фоизи, чакана товар айланмасининг 99,8 фоизи, хизмат кўрсатишнинг 86,9 фоизи, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 81,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келмоқда.

2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида давлат секторининг улуши 23,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 17,2 фоизни ташкил этди, демак 6,7 фоизга камайган. 2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида нодавлат секторининг улуши 76,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 82,8 фоизни ташкил этди, демак 6,7 фоизга ошган.

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ
ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ МУЛК ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШINI
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**3.1-§. Хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш –
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили
сифатида**

Ўзбекистонда хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантириш учун зарурий ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бир вақтда ушбу соҳани янада ривожлантириш юртбошимизнинг 2015 йил январь ойида Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқида “...Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир”⁴⁵ деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистонда мустақил ривожланишнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, фермер хўжалиги, хусусий корхона ва бошқа ҳуқуқий мақомга эга корхоналар ташкил этилди.

Фуқаролик кодексига кўра, бундай корхоналар хусусий мулкчилик тоифасига кирувчи иқтисодиёт субъектлари ҳисобланади. Ушбу корхоналарга кичик бизнес (микрофирма ёки кичик корхона) ёки хусусий

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

тадбиркорлик субъекти мақоми (ишловчи ходимлар сонига қараб) уларни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида берилади. Бу амалда хусусий корхоналарни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат томонидан ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда бозор шароитида рақобатдан ҳимоя қилишга ўнғайлик туғдиради.

Шу билан бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига, бандлик муаммоларининг ҳал этилишига, аҳоли даромадини ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан кўпчилик шуғулланиш имкониятига эга, чунки у катта микдордаги дастлабки сармояни талаб қилмайди. Кичик бизнес бозор иқтисодиётига ихчамлиги билан тез мослашади. У йирик корхоналар учун катта фойда келтирмайдиган ва зарарли бўлиб қолган товарларни ишлаб чиқаришда юқори рентабелликни таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада оқилона ишлаб чиқариш-хўжалик кооперацияси учун қулай шароит яратади. Хўжалик юритишнинг кичик бизнес шакллариининг яна бир устунлиги шундан иборатки, кам сармоя ҳисобига янги корхонани очиш мумкин ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ёхуд қайта тиклаш учун нисбатан кам вақт сарфланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ушбу ва бошқа ижтимоий-иқтисодий афзалликлари уни ривожлантириш масаласини мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб давлатнинг энг муҳим устувор вазифалари қаторига қўйди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган жами нодавлат корхоналарининг 95 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Иқтисодиётда банд аҳолининг 76,5 фоизидан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилади. Уларнинг республика ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 56 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулотларининг 23 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Президентимизнинг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” деб номланган маърузасида қайд этилганидек, “кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда”.

Шу билан бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан улар фаолиятини рағбатлантирувчи институтларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш долзарб бўлиб турибди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи ва улар фаолиятининг самарадорлиги хусусий мулкни ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хўжалик шартномалари тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга дахлдор трансакция харажатларини камайтириш билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ва давлат идоралари билан мулкчилик низоларига қонуний баҳо бериш хўжалик судларининг ваколатига киради. Шу нуқтаи назардан хўжалик судларида тадбиркорлар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам ишлар кўриб чиқилади. Булар мамлакатимизда тадбиркорларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътиборли чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятидан далолат беради. Таъкидлаш керакки, хўжалик судларига мурожаат этишлар нисбатан қисқарган бўлсада, ушбу йўналишда ҳали ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд. Бундай масалалар мулк ҳуқуқларининг тадбиркор, давлат ҳамда бошқа учинчи томон ўртасида аниқ тақсимланмаганлиги туфайли юз бериши мумкин. Шунини ҳисобга олганда, хусусий мулкчилик ҳуқуқларини тадбиркор билан давлат ва шартнома иштирокчилари ўртасида аниқ тақсимлаш ва умуман,

мулкчилик муносабатларининг институционал нормаларини такомиллаштириш лозим.

Маълумки, бозор муносабатларини амалга оширишнинг асосини шартномалар ташкил этади. Шартномалар томонларнинг ўзаро ҳаракатига (трансакция) асосан маҳсулот сотиш ёки ишчиларни ёллаш бўйича тузилади. Бундай шартномаларни тузиш ва амалга ошириш маълум хатарларни ҳисобга олувчи ёки унга эътибор бермайдиган шахслар ўртасида юзага келади. Шунинининг олганда тадбиркорлар ўзаро сотиш ёки ёллаш шартномалари шартлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган институционал нормаларни ҳамда механизмларни (жавобгарлик юзасидан) янада ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш даврида долзарб ҳисобланади. Бундай ёндашув ўзаро келишмовчилик, ноқонуний хатти-ҳаракат ва шу каби бошқа қонунчиликка зид бўлган ҳолатларни камайтиришга олиб келади. Шунининг таъкидлаш ўринлики, шартнома шартларининг бузилиши, уларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги нафақат шартлашган томонлар манфаатларига салбий таъсир этади, балки уларнинг ўз мулккий ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сарф қилинадиган харажатларни (трансакция харажатларини) ҳам ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар кичик корхоналар молиявий аҳволининг заифлашувига олиб келади.

Шуларни иннинг олганда кичик бизнес субъектлари фаолиятида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш йўллари билиш бугунги кунда тадбиркорлар учун муҳим ҳисобланади.

Трансакция харажатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг таркибига кирувчи харажат турлари хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан кенг ёритиб берилганлигига қарамасдан, улардан амалиётда фойдаланиш жуда суст кечмоқда.

Ҳар қандай корхонада, шу жумладан кичик бизнес корхоналарида ҳам трансакция харажатларига ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш

(шартномалар тузиш), бозорни ўрганиш учун ахборотларни қидириш, умумлаштириш, шунингдек, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, маҳсулот сифатини ўлчаш ва сертификациялаш, шартномаларни имзолаш, шартномаларни бажариш учун сарфланадиган харажатлар киради. Бундай харажатлар одатда давр харажатлари таркибида сотиш, маъмурий ва бошқарув билан боғлиқ харажатлар шаклида иштирок этади. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик субъектларининг янги техника ва технологияларни сотиб олиш ҳамда ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун сарфлаётган трансакция харажатлари ҳам кўпайиб бормокда. Мулк ҳуқуқлари тўғри тақсимланганда эса ушбу харажатларни камайтириш, хусусий корхонанинг рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини кўтариш имкони пайдо бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорлар сарфлаётган трансакция харажатларини камайтириш бўйича ҳукуматимиз томонидан муҳим чоралар кўрилмокда. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастури доирасида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкаларини расмийлаштириш, қурилиш лойиҳаларида қатнашиш ва шу каби бошқа рухсат бериш билан боғлиқ трансакция харажатлари 2-4 баробарга қисқартирилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан кичик бизнес вакиллари фаолиятига тўсиқ бўлаётган 50 дан ортиқ рухсат бериш тартиблари ва чекловлар бекор қилинди. Юртбошимизнинг 2014 йил 18 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бир вақтда, мамлакатимизда асосий трансакция хизматларини кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг хизматлари учун кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган шартномаларни тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ трансакция харажатларини қисқартириш лозим. Бунда дастлаб, ушбу корхоналар маҳсулотларини экспортга чиқариш ва улар бўйича шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда маслаҳат хизматларини кўрсатиш, давлатга тегишли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жойларининг ижараси билан боғлиқ харажатларни пасайтириш, судларда томонларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоялаш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш йўналишларида амалий ишларни олиб бориш самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва ривожини белгиловчи институтларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш иқтисодий ўсишни ҳамда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3.2-§. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда жадал ривожлантиришнинг меърий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ

конуни, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жинойт қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексига хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Савдо-сотиқ қоидалари, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилмоқда. Жуда катта миқдорда зарар етказилишига олиб келган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно.

Тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-тақсимот ва маъмурий-хўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш чоралари белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига ноқонуний равишда моддий мукофот олганлик (тижорат пораси), ваколатларини суиистеъмол қилганлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун нисбатан юмшоқ жазо чораларини назарда тутувчи алоҳида моддалар киритилади. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳолда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи

томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Қўзғатилган жиноят ишлари доирасида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширувлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган адвокатлар иштирокида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда (хўжалик юритувчи субъект ёзма равишда мазкур ҳуқуқни рад этган ҳоллар бундан мустасно).

Дастурда барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, эндиликда қонунчиликда тадбиркорлик субъектлари учун кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишда турли ёзма аризалар билан мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ.

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдолар орқали тадбиркорлик субъектларидан бирламчи эҳтиёждаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали 24 соат узлуксиз амалга оширилади.

Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган “бир дарча” хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида “бир дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур ҳужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг билдириш тартибини жорий этиш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари ва муддатларини оптималлаштириш ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини тақдим этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жиноий жавобгарлигини жорий этиш ўта муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режали текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилади. Мазкур тартибга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари

фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори билан амалга оширилади. Айти пайтда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар фақат охириги режали текширув давридан кейинги муддатни камраб олиши шарт. Тадбиркорлик субъектларига йўл қўйилган хатоларни текширув давом этаётган даврнинг ўзида тўғрилаш, шу орқали фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши ва тугатилишининг олдини олиш имконияти яратилмоқда.

Нazorat қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва улар фаолиятига доир комплекс текширувлар тайинланишидан аввал ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Назорат қилувчи органларнинг фаолияти айнан шу мезон асосида баҳоланади.

Бу чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунини янги таҳрирда қабул қилишни назарда тутди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий судига манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилди.

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан бузиб ташлаганлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп маротаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизминини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси маъмурий ва жиноят қонунчилигида ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралашиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутадиган

алоҳида XVII бобини киритиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, Ўзбекистон иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида, халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти даврида хусусий мулкни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш – хусусий мулкдор ҳуқуқларининг нормал шароитда амалга оширилишини таъминловчи чоралар йиғиндиси. Унинг таркибига мулкдорнинг субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароит ва муҳитни яратишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги чоралар киради.

Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг таҳлили ва концепциядаги вазифалардан келиб чиқиб, хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш тизимини такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда. Бунинг учун:

- амалдаги қонун ҳужжатларини хусусий мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш билан боғлиқ нормалар билан тўлдириш;
- хусусий мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларини амалда қўллаш механизмларини такомиллаштириш;

– суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда суднинг мустақиллигини кафолатлаш баробарида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги роли ва мавқеини ошириш;

– мулкчилик муносабатларининг ривожланишидан келиб чиқиб, Фукаролик кодексининг хусусий мулк билан боғлиқ нормаларини қайта кўриб чиқиш ва бошқалар.

Хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган хусусий корхоналарнинг асосий мақсадидир.

хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳануз турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда, мансабдорлар томонидан уларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Шу сабабдан биз хусусий мулк муносабатлари борасидаги қарашларимизни мутлақо ўзгартириш масалаларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Шу асосда мустаҳкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштиришимиз, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишимиз керак.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмининг тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш зарур.

Бунинг учун эса ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш хажмини кенгайтириш лозим.

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, хусусий бизнесни ривожлантириш, жамиятимиздаги барқарорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи янги омил ва имкониятлар яратади.

3.3-§. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш йўлидаги “тараққиётнинг ўзбек модели” деб ном олган стратегиясининг самаралари бугун ҳаётимизда яққол намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётимизнинг барқарор равишда юқори суръатлар билан ўсиши, бозор муносабатларининг тобора чуқурлашиб боришида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришорқали турли мулкчилик шакллари яратишнинг, мулкдорларда ўз мулкидан манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришнинг таъсири ва роли ғоят беқиёс.

Дарҳақиқат, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолати самарали бозориктисодиётининг шартларидан бири ҳисобланиб, хусусийлаштириш – айнан кўп укладли иқтисодиётни барпо этишнинг зарур ва энг муҳим воситасидир.

Хусусийлаштириш масаласига давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинаётгани ушбу жараён доирасидаги тадбирларнинг долзарблигини янада оширмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш йўналишида улкан қадамлардан бири бўлди. Мазкур қарор нафақат бўш турган ва фойдаланилмаётган 595 та давлат мулки объектлари ҳамда 305 гектардан ортиқ ер майдонларидан самарали фойдаланиш чоралари белгиланганлиги, балки улардан фойдаланишнинг бир қанча янги шакллари очиб берилганлиги, хусусийлаштиришнинг янги механизмлари кўрсатилганлиги билан эътирофга моликдир. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этаётган инвесторлар учун бир қатор қулайликлар яратилган, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг соддалаштирилган тартибларини жорий этиш кўрсатилган.

Жумладан, Президент қарорида ваколатли давлат органларининг ҳулосасига асосан жами 299 та яроқсиз деб ҳисобланган, ҳудудларнинг кўркига салбий таъсир этиб турган бино-иншоотларни бузиш ва бўшайдиган ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар захирасига ўтказиш белгиланган. Қарорга асосан 185 та давлат объектларининг хусусийлаштирилиши, жумладан, улардан 121 тасининг инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан “ноль” қийматда тадбиркорлик субъектларига берилиши ҳудудларимизда мазкур объектлар негизида замонавий, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринларининг барпо этилишини кафолатлайди.

Қарорда давлатга тегишли, ишлатилмай бўш турган, шу билан бирга, зарур ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган ер участкалари ҳам аниқланиб, уларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик

субъектларига ажратиб берган ҳолда кичиксаноат ҳудудларини ташкил этишнинг белгиланганлиги тадбиркорлик фаолиятини ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг моҳиятан янги шакли бўлиши кутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ер участкаларини ажратиш орқали уларнинг негизида кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш механизми хориж мамлакатлари амалиётида ҳамучрамайдиган, янги механизм ҳисобланади.

Алоҳида эътиборли томони, мазкур саноат зоналарида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик тармоқлари тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ўз ресурслари ҳисобига етказиб берилиши белгиланганлиги давлат томонидан бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақ янгичакўриниши ва мамлакатимизда инвесторларга кенг имконият яратиб берилганлигининг ёрқин намунасидир.

Президент қарорига асосан тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Кичик саноат ҳудудларини яратиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомлойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мазкур ҳужжатда кичик саноат ҳудудларида фаолият кўрсатувчи корхоналарга алоҳида имтиёзларнинг, енгилликларнинг назарда тутилиши ушбу турдаги саноат майдонларининг тезда ўз самарасини кўрсатишига имкон бериши, шубҳасиз.

Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида “.....бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда. Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани барчамизга яхши маълум.”⁴⁶ деб таъкидлаб ўтди.

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда) хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади. Хусусий мулк ҳам бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У сўзсиз, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, меҳнатга масъулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у хуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш иқтисодиётда уни қўллаш фойдали бўлган бўғинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо қилади. Лекин хусусий мулкчиликни бундай тан олиш уни мутлақлаштириш билан умуман боғлиқ эмас. Бу мулк сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари асосида мустақил хўжалик юритиш ёки давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш орқали вужудга келиши мумкин.

Мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг мазкур шакли тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикамызда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин. Булар:

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

– мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этишни тобора кенгайтириш;

– хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш;

– хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида мустақкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштириш, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантириш, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратиш;

– хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмининг тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмининг кенгайтириш;

– тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролининг ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш;

– хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиқлик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонлари ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа иқтисодий идоралар бу масала билан жиддий шуғулланиши зарур

Иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, “иқтисодиётда давлат иштироки”ни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор иштирокини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича вазифаларимизни белгилаб олиш вақти келди.

Биринчи навбатда, аввало, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва иқтисодий ночор, маҳсулотларига талаб йўқлиги сабабли тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган давлат корхоналарини профессионал хорижий инвесторларга уларни қайта тиклаш ва ушбу корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан “ноль” қийматида сотиш зарур.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси давлат улуши мавжуд бўлган барча корхона ва объектларни яна бир марта танқидий нуқтаи назардан қайта инвентаризация қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили қабул қилинган «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қандай объектлар киритилмаганини аниқлаши ва реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан қисқартиришни назарда тутган ҳолда, 2015-2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича янги дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритиши зарур.

Мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг мазкур шакли тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикамизда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.

Бугун шуни тан олиш зарурки, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятдан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда.

Бугун мамлакатимизда шундай амалий тажриба тўпландики, унга кўра, Ўзбекистон шароитида юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет эллик инвесторлар акцияларга эга бўлган мулкчилик шакли энг мақбул бўлиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум. Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш юқори иқтисодий ўсиш имкониятларини яратиб беради.

III боб бўйича хулоса

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти

эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган жами нодавлат корхоналарининг 95 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Иқтисодиётда банд аҳолининг 76,5 фоизидан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилади. Уларнинг республика ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 56 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулотларининг 23 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг мазкур шакли тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикаимизда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларининг асосий йўналиши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш орқали мулкчилик соҳасини ислоҳ қилиш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришдан иборат.

Хусусий мулк айрим кишилар ва гуруҳларга тегишли бўлиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланиб даромад топишга қаратилган мулк ҳисобланади. Хусусий мулкнинг устуворлиги бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. Хусусий мулк якка тартибдаги ва корпоратив хусусий мулкларга ажратилиб ўрганилади.

Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулкни вужудга келтирмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш тўғрисида фикр юритиб бўлмайди, чунки хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллариغا қараганда устун бўлиши бозор иқтисодиётининг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар, у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни ишлаб чиқишда бир қанча мураккаб муаммоларни тўғри ва изчил ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш деганда давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акциядор жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш ҳисобланади. Хусусийлаштириш эса фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган

юримик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Мамлакатимизда ҳам мулкчиликнинг мазкур шакли тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикаимизда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш, хусусий мулкнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Булар:

- хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш;

- тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиниш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

- хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

- барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва

кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш ва бошқалар.

Ҳозирги даврда хусусий мулкнинг таркибий тузилишини таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш бозор ислохотларининг ҳозирги босқичидаги устувор йўналиши экан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёни хусусий мулкчилик устуворлигига асосланган кўп укладли иқтисодиётнинг шакллантирилишини билдиради. Шу муносабат билан кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш бозор механизмларига йўл очган ҳолда хусусий мулкчилик фаоллигини рағбатлантиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин. Булар:

- мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этишни тобора кенгайтириш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштириш, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини

шакллантириш, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратиш;

– хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очик ва ошкора бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса ресурсларни очик биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш;

– тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш;

– хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиклик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонлари ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа иқтисодий идоралар бу масала билан жиддий шуғулланиши зарур

Фикримизча, қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар, турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда изчиллик билан жорий этилса, албатта, хусусий мулкнинг таркибий тузилиши янада такомиллашиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ўсиб, имконият даражаси кенгайиб, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашига имкониятлар яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2013.
2. Хусусий корхона тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2003 йил 11 декабрь, 558–II-сон
3. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни” (янги таҳрири). – Т.: 2008.
4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2003.
5. Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида. - Т.: «Адолат», 2001.

6. II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, 2015 йил 18 февраль, “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 19 февраль, №34(6217)-сон.
2. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 15.05.2015 йил. ПФ-4725-сон
3. Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 03.07.2014 йил. ПҚ-2200-сон
4. Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 06.10.2014 йилдаги 279-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисида. 2013 йил 14 февраль. ПҚ-1920 сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январь.

2. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2013 йил 6 декабрь. - <http://gov.uz>

3. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 15 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси (2015 йил 16 январь), “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь, №11(6194)-сон.

6. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси (2015 йил 23 январь), “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 24 январь, №16(6199)-сон.

7. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т., Ўзбекистон, 1993.

IV. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши. / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси: тузувчи муаллифлар: Х.Абулқосимов ва бошқалар. – Т.: “Akademiya”, 2011.

2. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2010, 726 б.

3. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2006. - 480 б.

4. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Дарслик. -Т.: МЕННАТ, 2009.

5. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.

6. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. “Иқтисодий таълимотлар тарихи”. Т.: «Молия». 2002. 491 бет.

7. Холмўминов Ш.Р., Ҳакимов Х.М., Боқиева И.А., Аллаев М.А., Маҳкамбоев А.Т. “Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили”. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2004.

8. Удалова А.А. “Право социального обеспечения”. –М.: Омега-Л, 2010.

9. Борисов Е.Ф. “Экономическая теория”. -М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2008.

10. Зияев Т.М. Ишчи кучи ва бандлик назариялари. – Т.: ТДИУ, 2007

11. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.

12. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория., М.: Норма, 2007.
13. Журавлева Г.П. Экономическая теория. Микроэкономика 1-2. Москва, изд. «Дашков и К», 2009.
14. Носова С.С. Экономическая теория. Учебник. КНОРУС, -М.: 2008.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – **Тошкент: “О’qituvchi” НМИУ, 2013. – 360 б.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Мустақиллик – барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласи – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: “О’qituvchi” НМИУ, 2013.–152 б.

3. Ахмедов Б.Б. Аҳоли турмуш шароитини ошириш ва янги иш жойларини ташкил этишда банкларнинг роли // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги: амалиёт ва самарадорлик. Конф. Материаллари. 2010 йил 17 сентябрь. – Т.: Молия, 2010, 252-254-б.

4. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг

йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

5. Маматов А.А. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т.: 2002.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг йиллик статистик тўплами. 2004-2014

2. Йиллик статистик тўпам. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг йиллик статистик тўплами. 2004-2014

3. “Биржа эксперт” журнали, 2012, №1-2. 34-36-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг йиллик ҳисоботлари.

5. “Халқ сўзи” газетаси. 2004-2015 йил сонлари.

VII. Интернет сайтлари

1. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

2. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти

3. www.cbu.uz- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

4. gkitorg.uz- Ўзбекистон Республикаси давлат рақобат қўмитаси расмий сайти

5. www.uzex.com-Узбекская товарно-сырьевая биржа - глобальная торговая система охватывающая всю территорию Узбекистана

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистонда 1995-2013 йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Хусусийлаштирилган корхоналар сони, бирлик	8537	1915	1231	451	448	374	1449	1912	1519	1228	980	673	631	392	135	96	95	83	82
Хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган нодавлат мулкидаги корхоналар сони	8537	1915	899	266	373	372	1238	1800	1452	28	980	673	631	625	х	х	х	х	х
Акциядорлик жамиятлари	1026	1257	456	110	141	152	227	223	75	162	3	3	2	4	х	х	х	х	х
Хусусий корхоналар	6036	420	260	103	156	103	827	1252	981	1038	75	78	75	71	х	х	х	х	х
Бошқа шаклдаги корхоналар	1475	238	183	53	76	117	184	325	396	28	902	592	564	550	х	х	х	х	х
Хусусийлаштиришда н тушган маблағ, млрд. сўм	2,4	5,3	4,4	8,9	9,1	14,3	23,2	43,6	56,1	78,5	80,5	70,5	111,1	130,6	35,7	23	39,2	32,1	44,1

Мулкчилик шакллари бўйича бандлар сони

	<i>Минг киши</i>										
	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Иқтисодиётда жами бандлар сони	9589	9911	10196	10467	10735	11035	11328	11628	11919	12223,8	12523,3
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича											
давлат	2229	2290	2323	2349	2365	2350	2382	2410	2369	2363,2	2341,1
нодавлат	7360	7621	7873	8118	8370	8685	8946	9218	9550	9860,6	10182,2
шундан:											
фукаролар хусусий мулкчилигида	5149	5664	6215	6798	7226	7547	7832	8020	8285	8605,2	8900,2

Мулкчилик шакллари бўйича бандлар сони

	<i>Минг киши</i>					<i>Жамига нисбатан фоизда</i>				
	2003	2010	2011	2012	2013	2003	2010	2011	2012	2013
Иқтисодиётда жами бандлар сони	9589	11628	11919	12223,8	12523,3	100	100	100	100	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича										
давлат	2229	2410	2369	2363,2	2341,1	23,25	20,73	19,88	19,3	18,7
нодавлат	7360	9218	9550	9860,6	10182,2	76,75	79,27	80,12	80,7	81,3
шундан:										
фукаролар хусусий мулкчилигидан	5149	8020	8285	8605,2	8900,2	53,70	68,97	69,51	70,4	71,1

**ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ САВДОНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ**

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Чакана товар айланмаси, овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда барча савдо тармоқларда сотиш, млрд. сўм	42 89,7	4787,5	5577,4	7453,8	9574,6	12682,3	16874,6	21872,8	28539,0	36946,4
шу жумладан озиқ-овқат ва буюм бозорларини савдосини ҳисобга олмаганда										
Мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмасининг овқатланиш корхоналарини тушган ҳолда тақсимланиши, % ҳисобида:	10 87,7	1260,3	1572,6	2200,8	3248,7	4962,9	7563,9	9487,9	11503,4	13781,2
давлат	1,4	1,0	0,7	0,2	0,2	0,2	0,2	0,1	0,2	0,2
нодавлат	98,6	99,0	99,3	99,8	99,8	99,8	99,8	99,9	99,8	99,8
шу жумладан хусусий	86,2	83,0	83,0	80,6	79,1	73,7	71,0	70,2	71,3	71,8
Чакана савдо тармоқларида товар захиралари (йил охирига), млрд.сўм	99,3	117,4	114,3	145,1	204,9	329,0	456,7	609,2	801,5	993,7
товар айланмаси кунларида	37	27	23	24	23	24	22	23	25	26